

## **Узбекский**

- 1 Азалда Калом бор эди. Калом Худо хузурида эди, Калом – Худо эди.
- 2 Азалданоқ У Худо хузурида эди.
- 3 Борлиқ У орқали бор бўлган, Усиз ҳеч нарса бор бўлган эмас. Неки бор бўлган бўлса, У орқали бор бўлган.
- 4 Унда ҳаёт бор эди, Ҳаёт инсонларнинг нури эди.
- 5 Нур зулматда порлайди, Зулмат эса нурни қоплай олмади.
- 6 Худо томонидан юборилган бир одам бор эди, унинг исми Яхё эди.
- 7 У шоҳидлик қилгани, нур ҳақида шоҳидлик қилгани келган эди, токи ҳамма унинг шаҳодати орқали имон келтиурсин.
- 8 Унинг ўзи нур эмас эди, у фақат нур ҳақида шаҳодат беришга юборилган эди.
- 9 Дунёга келаётган ҳамма одамзодни ёритувчи ҳақиқий нур бор эди.
- 10 Калом дунёда бор эди, Дунё У орқали бор бўлган эди, Бироқ дунё Уни танимади.
- 11 Ўзиникиларнинг ёнига келди У, Лекин Ўзиникилар Уни қабул қilmади.
- 12 Уни қабул қилғанларга эса, Барча Унинг номига имон келтирганларга У Худонинг фарзанди бўлиш иқтидорини берди.
- 13 Улар на қондан, На тана хоҳишидан, На эр хоҳишидан, Балки Xудодан туғилдилар.
- 14 Калом инсон қиёфасига кирди Ва биз аро маскан қилди. Биз эса Унинг улуғворлигини кўрдик; Отаси ҳузуридан келган, Марҳамат ва ҳақиқат илиа тўлган Ягона Ўғилнинг улуғворлигини кўрдик.
- 15 Яхё У ҳақда гувоҳлик берди ва овозини баланд қилиб деди: “Менинг кетимдан Келаётган бор, У мендан ҳам улуғ, чунки У мендан илгарироқ бор эди, деб айтганим Шунинг Ўзидир”.
- 16 Унинг камолотидан биз ҳаммамиз Марҳамат устига марҳамат олдик.
- 17 Таврот Қонуни Мусо орқали берилган эди, Илоҳий марҳамат ва ҳақиқат эса Исо Масих орқали зоҳир бўлди.

- 1 Azalda Kalom bor edi. Kalom Xudo bilan birga edi, Kalom — Xudo edi.
- 2 Azalda U Xudo bilan birga edi.
- 3 Butun borliq Kalom orqali yaratilgan, Usiz yaratilgan biron narsa mavjud emas.
- 4 Kalom — hayot manbayi edi, Bu hayot insonlarning Nuri edi.
- 5 Nur zulmatda porlaydi, Zulmat esa Nurni yengolmadi.
- 6 Xudo Yahyo ismli bir odamni yubordi.
- 7 Yahyo Nur haqida shahodat qilgani kelgan edi, toki hamma uning shahodati orqali imon keltirsin.
- 8 Uning o‘zi Nur emas edi, u faqat Nur haqida shahodat qilgani kelgandi.
- 9 Har bir odamni yoritadigan haqiqiy Nur dunyoga kelayotgan edi.
- 10 Ha, Kalom dunyoda edi, Dunyo U orqali yaratilgandi, Biroq dunyo Uni tanimadi.
- 11 U O‘z yurtiga keldi, Lekin O‘z xalqi Uni qabul qilmadi.
- 12 Uni qabul qilganlarning hammasiga esa, Unga imon keltirganlarga, U Xudoning farzandi bo‘lish huquqini berdi.
- 13 Ular na tana xohishidan, Na er xohishidan, Tabiiy yo‘l bilan emas, Balki Xudodan tug‘ilgan farzandlardir.
- 14 Kalom inson bo‘ldi, Oramizda yashadi. U inoyat va haqiqatga to‘lgandi. Biz esa Uning ulug‘vorligini ko‘rdik. Bu ulug‘vorlik Otadan kelgan yagona O‘g‘ilga mansub edi.
- 15 Yahyo U haqda guvohlik berib, baland ovozda dedi: — Mening ketimdan kelayotgan Zot mendan ulug‘dir, chunki U mendan oldin mavjud bo‘lgan, deb mana shu Kishi haqida aytgan edim.
- 16 Uning cheksiz inoyati tufayli Biz hammamiz baraka baraka oldik.
- 17 Xudo qonunni Muso orqali berdi, Inoyat va haqiqatni esa U Iso Masih orqali ko‘rsatdi.